

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 748-ҳадис

748 – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: «مَا عَبَّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ طَعَامًا قَطُّ، إِلَّا اشْتَهَاهُ أَكَلَهُ، وَإِنْ كَرِهَهُ تَرَكَهُ» مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 5409، م 2064].

748. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч қачон таомни айбламаганлар. Иштаҳалари тортса, ердилар, ёқтирмасалар, тарк қилардилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Ҳар қандай ҳалол таом банда учун Аллоҳ таолонинг неъматини ҳисобланади. Ҳар қандай неъмат учун банда Аллоҳ таолога шукр қилиши лозим. Фақат онкўр инсонгина шукр ўрнига, таомни айбланишга ўтади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо шукр қилувчи банда бўлганлар.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч қачон, ҳеч қандай таомни айбламадилар».

Ҳа, У зот умрларида бирор таомни айбламаганлар. Бу ҳақиқатни унинг устида туриб кўрганлардан бири, улкан саҳобий Абу Хурайра розияллоҳу анҳу айтмоқдалар. Дўсту душманнинг ҳузурини айтмоқдалар. Агар бу гапда заррача шубҳа бўлса, дарҳол Абу Хурайра розияллоҳу анҳуга эътироз билдирилиши турган гап эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашган ҳолда мусулмон киши таомни айбламаслиги лозим. Чунки таомни айбланиш мутакаббирлик ва ҳаддан ошишлик белгисидир.

«Агар иштаҳалари тортса, ердилар. Кўнгиллари тусамаса, тарк қилар эдилар».

Шунинг учун У зотнинг умматлари бўлмиш сиз билан биз мусулмонлар ҳам ўз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу борада ҳам ўрнак

ОЛМОҒИМИЗ ЛОЗИМ.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI